(НАМУНА)

_____-сонли ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ

_____ ш. 20___йил «___» _____

Кейинги матнда «Лизинг берувчи» деб юритиладиган АТБ «InfinBank» номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи _____, бир томондан, ва

кейинги матнда «Лизинг олувчи» деб юритиладиган _____ номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи _____, иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар», алоҳида эса «Томон» деб юритилувчилар ушбу Лизинг шартномасини қуйидагилар тўғрисида тузидилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу Шартномага биноан Лизинг берувчи Лизинг олувчининг аризасига мувофиқ ушбу Шартноманинг 1-сонли Иловасида кўрсатилган лизинг объектини сотиб олиш ва Лизинг олувчига лизингга бериш, Лизинг олувчи эса уни Лизинг берувчидан лизингга қабул қилиш ва Лизинг берувчига ушбу Лизинг шартномасининг шартларида белгиланган тартибда, шу жумладан ушбу Шартноманинг 2-сонли Иловасида кўрсатилган лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Таърифлар

2.1. Ушбу Шартнома доирасида томонлар қуйидаги асосий атамаларни қўллашга келишиб олишди:

2.1.1. **Лизинг:** Шартнома тузаётган Томонлар лизинг деганда, бир тараф, Лизинг берувчи, иккинчи тарафнинг, Лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан, Сотувчидан (етказиб берувчидан) ушбу Лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу Шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига, муддатга ва шартларда эгалик қилиш ва фойдаланиш учун Лизинг олувчига беришни назарда тутадиган операцияни тушунадилар.

Бунда лизингнинг бутун муддати давомида лизинг объекти Лизинг берувчининг мулки сифатида қолади.

2.1.2. **Лизинг объекти**: ушбу Шартноманинг 1-сонли Иловасида кўрсатилган мол-мулк.

2.1.3. **Лизинг берувчи**: Лизинг олувчига лизингга топшириш мақсадида лизинг объектини сотиб оладиган ва лизинг объектига эгалик ҳуқуқига эга бўладиган **АТБ «InFinBank»**.

2.1.4. **Лизинг олувчи:** ушбу Шартномада белгиланган муддатга лизинг объектини ушбу Шартномада кўрсатилган лизинг шартларида, кейинчалик лизинг объекти эгалик ҳуқуқи асосида ўтиши асосида фойдаланиш учун олаётган _____.

2.1.5. **Лизинг муддати:** Лизинг олувчи томонидан Лизинг Объекти эгалик қилишга ва фойдаланишга (лизингга) қабул қилинаётган вақт муддати. Лизинг муддатини ҳисоблаш Лизинг берувчидан Лизинг олувчига Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш далолатномаси санасидан бошланади ва бу муддат лизинг объектини лизингга топшириш-қабул

қилиш Далолатномаси имзоланган ойидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланадиган ____ (_____) тўлиқ календар ойидан кейин якунланади.
2.1.6. **Лизинг тўловлари:** Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига бутун лизинг муддати давомида ушбу Шартномада, шу жумладан ушбу Шартноманинг 2-сонли Иловасида кўрсатилган муддатларда ва миқдорда, йиллик ____% ҳисобидан тўланиши лозим бўлган пул суммаси. Лизинг тўловларининг тўлиқ суммасини тўлаш ушбу Шартнома шартларига асосан Лизинг олувчининг ташаббуси билан ёки Лизинг берувчининг талабига асосан муддатидан илгари амалга оширилиши мумкин.
2.1.7. **Лизинг маржаси**: Лизинг олувчининг лизинг тўловининг бир қисми бўлган даромади.
2.1.8. **Етказиш бериш шартномаси**: Лизинг берувчи билан Етказиб берувчи ўртасида лизинг объектини етказиб беришга тузиладиган шартнома. Томонларнинг ўзаро келишувига кўра Етказиб бериш шартномаси Лизинг олувчи томонидан ҳам имзоланиши мумкин.
2.1.9. **Лизинг объектининг базавий қиймати (асосий қарз)**: ўз ичига лизинг объектининг Лизинг берувчи томонидан етказиб бериш/импорт контракти бўйича Етказиб берувчи/Сотувчига тўланадиган қийматини олади.
2.1.10. Лизинг берувчи томонидан тўланадиган, лизинг объектини сотиб олиш ва етказиб бериш (лизинг объектини божхона расмийлаштируви, сертификатлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлган бошқа қўшимча ҳаражатлар ҳамда лизинг объектини ишчи ҳолатга келтириш билан (монтаж, созлаш, Лизинг олувчининг ходимларини ўқитиш ва ш.к.) боғлиқ бўлган бошқа ҳаражатлар Лизинг берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобга мувофиқ қоплаш тўғрисида ҳисоб тақдим этилган кундан бошлаб 10 календар куни давомида Лизинг олувчи томонидан қопланади.
2.1.11. Томонларнинг келишувига кўра 2.1.10. –б.да кўрсатилган товонлар суммаси тегишли қўшимча келишув тузиш орқали лизинг объектининг базавий қийматига қўшилиши мумкин.

3. Лизинг объектини етказиб бериш шартлари

3.1. Лизинг берувчи Лизинг олувчининг топшириғига биноан алоҳида Етказиб бериш Шартномаси шартларида Етказиб берувчидан лизинг объектини сотиб олади.
3.2. Ушбу Шартнома бўйича лизинг объектининг Етказиб берувчиси қуйидагидир:
Номи: «_____».
Етказиб берувчининг манзили ва Банк реквизитлари: _____.
3.3. Лизинг берувчи Етказиб берувчини ундан сотиб олинаётган мол-мулк Лизинг олувчига ишлатиш (фойдаланиш) учун топшириладиган лизинг объекти бўлиши ва Лизинг олувчи Лизинг берувчи билан тенг Етказиб берувчи билан Лизинг берувчи ўртасида тузиладиган Етказиб бериш Шартномаси бўйича Етказиб берувчига нисбатан даъво-талаблар қўйиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳақида хабардор қилади.
3.4. Лизинг олувчи Етказиб берувчи томонидан Етказиб бериш Шартномаси шартларига мувофиқ лизинг объекти, шу жумладан лизинг объектидан фойдаланиш бўйича техник йўриқномалар етказиб берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
3.5. Лизинг олувчи лизинг объекти Етказиб берувчи томонидан Лизинг олувчи белгилайдиган тайинланган жойгача (Лизинг берувчининг ёки Етказиб берувчининг омборхонаси, ёки лизинг объекти «эркин муомала» божхона тартибига (режимига) чиқарилгунга қадар сақланадиган Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди/божхона омборхонаси ва ш.к.) етказиб берилишини таъминлайди. Лизинг объектини тайинланган жойгача, Лизинг олувчи томонидан доимий фойдаланиладиган (монтаж, созлаш ва ш.к.) жойгача етказиб бериш, ушбу Шартноманинг 3.18-бандида ўзгача қоида кўрсатилган бўлмаса, Лизинг олувчи томонидан мустақил ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

3.6. Лизинг олувчи лизинг объектини монтаж қилиш ва созлаш ҳамда ходимларни ўқитиш бутун вақтига лизинг объектини сақлаш учун барча керакли хоналарни, лизинг объектини монтаж қилишга тайёрланган ва барча зарурий муҳандислик-техник коммуникациялар ўтказилган барча майдонча ва хоналарни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
Ушбу Шартнома кучга кирган санага юқорида кўрсатилган хоналар ва майдончалар тўлиқ тайёр ҳолатда бўлиши лозим.

3.7. Лизинг объекти Лизинг олувчи томонидан дастлабки қабул қилиниши Лизинг олувчи, Лизинг берувчи ва имкон қадар Етказиб берувчининг вакили ўртасида лизинг объектини сақлаш учун топшириш-қабул қилиш Далолатномаси билан расмийлаштирилади ва бу ҳужжат лизинг объекти Етказиб бериш Шартномасига мувофиқ лизинг объектини монтаж қилиш ва созлаш ҳамда ходимларни ўқитиш бутун вақтига Лизинг олувчи томонидан қабул қилинишини қайд қилади. Дастлабки қабул қилиш ушбу Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган тайинланган жойда амалга оширилади. Лизинг объектини сақлаш учун топшириш-қабул қилиш Далолатномасида лизинг объектининг қабул қилиш жараёнида аниқланган нуқсонлари акс эттирилиши мумкин.

Етказиб бериш Шартномасига мувофиқ лизинг объектини монтаж қилиш ва созлаш ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича барча керакли ишлар амалга оширилгандан сўнг лизинг объектини фойдаланишга тушириш Далолатномаси расмийлаштирилади ва унда лизинг объекти тўлиқ тўпламда етказилганини ва Етказиб бериш Шартномасида ва ушбу Шартномада назарда тутилган техник-иқтисодий кўрсаткичларга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди. Лизинг объектини фойдаланишга тушириш Далолатномаси Лизинг олувчи, Лизинг берувчининг вакиллари ва, зарур бўлганда, Етказиб берувчининг вакили томонидан имзоланади.

Лизинг объектини фойдаланишга тушириш Далолатномасига асосан Лизинг олувчи ва Лизинг берувчи ўртасида лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси имзоланади ва бу далолатнома лизинг объекти Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчидан ушбу Шартнома шартларида унга вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга қабул қилинганини билдиради.

Лизинг объекти ўзининг техник ва функционал сифатлари бўйича лизинг объектини монтаж қилиш ва созлаш бўйича ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича махсус ишлар бажарилишини талаб қилмаган тақдирда, Лизинг берувчи ва Лизинг олувчи ўзаро келишилган ҳолда юқорида кўрсатилган Лизинг объектини сақлашга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси ва Лизинг объектини фойдаланишга тушириш Далолатномаси кабилар дастлаб расмийлаштирилмаган ҳолда фақат Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномасини расмийлаштириш билан кифояланиши мумкин.

3.8. Лизинг объектини қабул қилиш жараёнида аниқланган нуқсонлар Лизинг объектини фойдаланишга киритиш Далолатномасида ва Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномасида акс эттирилади. Бунда Лизинг олувчи аниқланган нуқсонлар Етказиб бериш Шартномасида кўрсатилган муддатларда ва шартларда Етказиб берувчи томонидан бартараф этилишини ёки лизинг объектининг тузалмайдиган нуқсонли қисмлари алмаштирилишини таъминлайди.

3.9. Етказиб берувчи ва лизинг объекти Лизинг олувчи томонидан мустақил танланганлиги муносабати билан Лизинг олувчи лизинг объектини қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга эмас. Қабул қилишни бундай рад этиш ҳолатида Лизинг олувчи Лизинг берувчига лизинг объектининг тўлиқ қийматини ҳамда сотиб олиш, транспортда ташиш, суғурта қилиш, божхона божларини, воситачилик ҳақларини, фоизларни тўлаш билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни ва бошқа ҳаражатларни қоплаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.10. Лизинг объекти Лизинг олувчи томонидан лизингга қабул қилиниши Лизинг объектини фойдаланишга тушириш Далолатномаси расмийлаштирилган вақтдан бошлаб 3 (уч) календар куни ичида Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси билан

расмийлаштирилиши керак. Лизинг олувчи кўрсатилган муддатда Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномасини имзоламаган бўлса ва шу вақт давомида ушбу Шартноманинг 3.9-бандига мувофиқ Лизинг берувчига лизинг объектини қабул қилишни рад этиши ҳақида хабар бермаган бўлса, лизинг объектини Лизинг берувчидан Лизинг олувчига топшириш-қабул қилиш амалга оширилган ҳисобланади.

3.11. Лизинг олувчи лизинг объектига тегишли барча даъво-талаблар билан мустақил равишда тўғрима-тўғри Етказиб берувчига мурожаат қилади.

3.12. Томонлар лизинг объекти Лизинг олувчига Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси имзоланган вақтдаги ҳолатда топширилган деб ҳисоблашади.

3.13. Лизинг объектини монтаж қилиш ва созлаш, Лизинг олувчининг ходимларини ўқитиш Етказиб бериш Шартномаси доирасида ва, агар етказиб бериш шартномасида бундай шартлар белгиланган бўлса, унинг шартлари асосида Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ёки унинг иштирокчилари иштирокида амалга оширилади.

Лизинг олувчи ушбу банд бўйича ишлар Етказиб берувчи томонидан белгиланган муддатларда ва тегишли сифатда бажарилишини таъминлайди. Мазкур ишлар Лизинг олувчининг айби билан Етказиб берувчи томонидан бажарилмаган ёки уларни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, Лизинг берувчи ушбу ишлар бажарилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва Етказиб берувчи томонидан Лизинг берувчига улар ўртасида тузилган Етказиб бериш шартномаси бўйича мазкур ишларни амалга ошириш бўйича мажбуриятлар бажарилмагани учун қўйилган жарималар суммасини Лизинг олувчидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.14. Лизинг объекти Етказиб берувчидан Лизинг олувчи ва/ёки Лизинг берувчи томонидан қабул қилиниши Етказиб бериш шартномасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади. Лизинг объектини монтаж қилиш ва созлаш жараёнида унинг тўплами тўлиқ эмаслиги ва/ёки нуқсонли ва/ёки Етказиб бериш шартномасида кўрсатилган техник тавсифларга номувофиқ эканлиги аниқланган бўлса, Лизинг олувчи юқорида кўрсатилган ҳолатлар етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатларда Етказиб берувчи томонидан бартараф этилишини таъминлайди.

3.15. Лизинг объектига кафолатли ва кафолат муддатидан кейин хизмат кўрсатиш Етказиб берувчи ва/ёки лизинг объектини Ишлаб чиқарувчиси томонидан Етказиб бериш шартномаси шартларига асосан амалга оширилади.

3.16. Лизинг объектини Етказиб бериш шартномасида кўрсатилган тайинланган жойгача транспортда ташиш вақтида унинг нобуд бўлиши, йўқолиши, унга шикаст етказилиши, ўғриланиши билан боғлиқ барча хавфлар ИНКОТЕРМС-2010 шартлари ва етказиб бериш шартномасига мувофиқ товарнинг бутлиги учун жавобгарлик юкланадиган томоннинг зиммасида бўлади.

3.17. Лизинг олувчи лизинг объектини амалда олган пайтидан бошлаб унинг нобуд бўлиши, йўқолиши, унга шикаст етказилиши, ўғриланиши билан боғлиқ барча хавфлар унинг зиммасига ўтади. Лизинг объектининг амалда олиниши Лизинг объектини сақлашга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси ёки Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси билан расмийлаштирилади.

3.18. Лизинг олувчи томонидан етказиб бериш шартномаси бўйича амалга ошириладиган ва тўланадиган процедуралар билан бир қаторда Лизинг олувчи ушбу Шартнома доирасида қуйидаги процедураларни (ишларни) ҳам амалга оширади ва уларнинг ҳақини тўлайди:

3.18.1. лизинг объектини бутун лизинг муддатига суғурта қилиш.

3.18.2. зарур бўлганда, лизинг объектини тегишли давлат реестрларида (кадастр, техник назорат ва ш.к.) рўйхатдан ўтказиш.

3.18.3. зарур бўлганда, етказиб бериш шартномаси доирасида эгалик ҳуқуқи Етказиб берувчидан Лизинг олувчига ўтишини нотариал тартибда расмийлаштириш.

3.18.4. лизинг объекти хорижий Етказиб берувчидан сотиб олинаётган (импорт қилинаётган) бўлса – лизинг объектини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида «эркин муомала» тартибига (режимига) божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ҳамда қуйидаги божхона тўловлари ва йиғимларини тўлаш ва қуйидаги қўшимча ҳужжатларни расмийлаштириш:

а) божхона декларантининг хизмат ҳақини тўлаш;

б) лизинг объекти Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига (Етказиб бериш Шартномасига биноан тайинланган/етказиб бериш пунктига) келиб тушган санасидан бошлаб лизинг объектини «эркин муомала» тартибига (режимига) божхона расмийлаштируви амалга оширилган санасига қадар лизинг объектини божхона (божхона омборхонаси) ҳудудида сақлаш (ушлаб туриш), тушириш ва қайтадан ортиш учун хизмат ҳақини тўлаш;

г) лизинг объектини Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда сертификатлаштириш ва зарур бўлган давлат ва консалтинг органларининг керакли ҳужжатларини олиш.

3.18.5. Юқорида кўрсатилган ишлар Лизинг берувчи томонидан мустақил тартибда ҳам учинчи шахсларни жалб қилган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

3.19. Лизинг берувчи Етказиб бериш Шартномаси ва ушбу Шартнома доирасида Лизинг берувчининг зиммасига юкланган ташқари бошқа ишлар, процедуралар учун жавобгар бўлмайди, уларни бажармайди ва маблағ билан таъминламайди.

3.20. Лизинг олувчи Етказиб берувчи ва лизинг объектини мустақил танлайди. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари оқибатида бундай даъволарни қўйиш учун асослар юзага келган ҳолатлардагина, лизинг объектини етказиб бериш шартларининг бажарилиши/бажарилмаганлиги бўйича қандайдир талаблар ёки даъволарни қўйишга ҳақли бўлади.

4. Лизинг объектини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш

4.1. Лизингнинг бутун муддати давомида лизинг объекти Лизинг олувчи томонидан хизмат кўрсатиш манзили: Ўзбекистон Республикаси, _____ шаҳри, _____ тумани, _____ кўч., _____-уйда сақланади ва/ёки фойдаланилади. Юқорида кўрсатилган манзил фақат Лизинг берувчининг ёзма розилигидан сўнг ўзгартирилиши мумкин.

Лизингнинг бутун муддати давомида Лизинг олувчи лизинг объектидан фақат унинг ишлаб чиқариш мақсадига мувофиқ фойдаланиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Лизинг олувчи фойдаланиш жараёнида лизинг объектини сақлаш ва ундан фойдаланиш йўриқномаларига мувофиқ сақлаши шарт.

Лизинг олувчи Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 7 (Етти) календар куни давомида унга Лизинг берувчи томонидан у Лизинг берувчи тегишли эканлигини белгилаш мақсадида тақдим этилган ёрлиқ, пластинка ёки бошқа ажратиб турувчи белгиларни маҳкамлаши шарт. Ушбу белгилар осон кўзга кўринадиган бўлиши керак ва ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати охиригача уларни ҳеч қандай вазиятда олиб ташлаш мумкин эмас. Ушбу белгилар лизинг объектидан тасодифан олиб ташланган ёки ажраб қолган тақдирда Лизинг олувчи бу белгиларни дарҳол қайта тиклаши ёки янгиларини маҳкамлаб қўйиши шарт.

4.3. Лизинг олувчи лизинг объектига уни қўллаш муддатлари ва усуллари нуқтаи назаридан ҳам, лизинг объектини сақлаш нуқтаи назаридан ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.4. Лизинг олувчи лизинг объектидан фойдаланиш учун тақдим этиладиган барча зарурий рўйхатдан ўтказиш, лицензия ва бошқа талабларни ўз ҳисобидан бажариш, лизинг муддати вақтида амалда бўлган ва лизинг объектини сақлаш, ундан фойдаланиш ва тутишга даҳлдор бўлган давлат ва бошқа ваколатли маъмурий органларининг барча тартибга солувчи

қоидалари ва йўриқномаларига, шунингдек, қонун ҳужжатлари, республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг қоидалари ва қарорларига бўйсуниш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5. Лизинг олувчи лизинг объектини ёки унинг исталган қисмини ўғриланиш, йўқолиш ёки унга шикаст етказилишидан бунинг сабабидан, етказилган зарар Лизинг олувчининг қасддан қилинган ҳаракатлари, эътиборсизлиги ёки совуққонлиги натижаси бўлишидан қатъи назар, хавфсизлантириши шарт.

4.6. Лизинг олувчи лизинг объектини жойлаштириш, сақлаш, тутиш ва ундан фойдаланиш жараёнида одам ёки бир гуруҳ одамлар томонидан олинадиган исталган зарар ёки шикастлар борасида Лизинг олувчига қўйилиши мумкин бўлган барча талаблар ва даъволар бўйича жавоб беради.

4.7. Лизинг объекти Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчининг ёзма рухсатномаси асосида ижарага (вақтинчалик фойдаланишга) ёки субижарага берилганда, лизинг объекти тегишли кўринишда бут сақланиши ва лизинг объекти унинг функционал вазифасига мувофиқ қўлланиши учун жавобгарлик Лизинг олувчининг зиммасида сақланади.

5. Лизинг объектини тутиш ҳаражатлари

5.1. Лизинг олувчи:

лизинг объекти ишлаб чиқарувчисининг ундан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва тутиш бўйича йўриқномаларига ўз ҳисобидан аниқ амал қилиши;

лизинг объектини тегишли ҳолатда сақлаш, барча шикастланган қисмларни ишлаб чиқарувчи томонидан етказиладиган ёки тавсия этилган қисмларга алмаштириши ва лизинг объектини жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириши;

лизинг объектига хизмат кўрсатиш ва уни жорий ва капитал таъмирлаш бўйича барча ишлар турларини ўз ҳисобидан интизомли тўлаб бориши ҳамда лизинг объектига хизмат кўрсатиш, уни сақлаш ва фойдаланиш бўйича бошқа сарф-ҳаражатларни ўз зиммасига олиши шарт.

5.2. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг талабига кўра лизинг объектига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган учинчи ташкилотлар билан шартнома мажбуриятлари ва молиявий ўзаро муносабатларга тегишли бўлган ҳужжатларни тақдим этади.

5.3. Лизинг тўловлари Лизинг олувчи томонидан муддатидан илгари тўланган ва/ёки лизинг муддати якуналанган тақдирда Лизинг берувчи лизинг объектини ва гаров объектини (гаров предмети мавжуд бўлишида) суғурта қилишни давом эттириш билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштирмайди ва амалга оширмайди.

5.4. Лизинг олувчи томонидан барча лизинг тўловлари муддатидан илгари тўланган тақдирда ва/ёки лизинг муддатининг якунланиши Лизинг берувчи томонидан лизинг объектини ва/ёки гаров объектини (гаров предмети мавжуд бўлишида) суғурта қилиш бўйича навбатдаги тўлов (суғурта мукофоти) тўланганидан сўнг юз берган бўлса, Лизинг берувчи суғурта компанияси томонидан суғуртанинг ўтмаган даври учун суғурта мукофоти Лизинг берувчининг фойдасига қопланган ҳолда суғуртани муддатидан илгари тугатиш ҳуқуқига эга. Агар суғурта мукофоти Лизинг берувчи томонидан тўланган ва Лизинг олувчи уни қоплаган бўлса, бундай ҳолатда Лизинг берувчи Лизинг олувчига ва Суғурта компаниясига Лизинг олувчи Лизинг берувчига суғурта мукофоти суммасини қоплаганини ёзма равишда тасдиқлайди ва суғурта мукофотининг тегишли суммаси Лизинг олувчининг фойдасига қайтарилиши зарур.

5.5. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг биринчи ёзма талабномаси бўйича, етказиб бериш, сотиб олиш, рўйхатдан ўтказиш, транспортда ташиш, божхонада тозалаш, созлаш, монтаж қилиш, алмаштириш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлган барча қўшимча сарф-ҳаражатларни, давлат божига тегишли ҳаражатларни ҳамда Лизинг берувчининг лизинг

объектига даҳлдор бўлган барча бошқа ҳаражатларини қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Лизинг объектидаги ўзгартиришлар

6.1. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз лизинг объектига ҳеч қандай қўшимчалар киритиши ёки уни ўзгартириши, шунингдек, лизинг объектининг вазифаларига ёки сифатига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

6.2. Лизинг объектига барча ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритишни Лизинг олувчи унинг ишлаб чиқарувчиси йўриқномаларига асосан амалга ошириши лозим. Фойдаланиш жараёнида нормал эскириш муносабати билан қисмларни алмаштириш ўзгартириш ёки қўшимча киритиш сифатида эътироф килинмайди.

7. Лизинг объекти ўтказилишининг тақиқланиши

7.1. Лизинг олувчи лизинг объекти Лизинг берувчининг мулки ҳисобланишини эътироф қилади ва ушбу эгалик ҳуқуқи лизинг амалда бўлишининг бутун муддати давомида, яъни томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тегишлича бажариб бўлиши ва лизинг объекти Лизинг олувчининг эгалигига ўтказилиши вақтига қадар Лизинг берувчида сақланади.

7.2. Лизинг олувчи лизинг объектини учинчи шахсларга ўтказиш, гаровга қўйиш ва ундан мўлжалланганидан бошқа мақсадда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунингдек, Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ёзма розилигисиз лизинг объектини ёки унинг бир қисмини ижарага (вақтинчалик фойдаланишга) бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

7.3. Лизинг олувчи Лизинг олувчининг дастлабки ёзма шаклдаги аниқ розилигини олмай туриб лизинг объектини сублизингга топширишга ҳақли эмас. Сублизинг шартномасининг ҳеч қандай шартлари Лизинг олувчининг ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклаши мумкин эмас.

8. Лизинг объектини йўқотиш ёки унинг шикастланиши

8.1. Лизинг олувчи лизинг объектини ёки унинг бир қисмини амалда олган вақтдан бошлаб лизинг объекти ёки унинг исталган қисмининг шикастланиши, ишдан чиқиши, бузилиши, ўғриланиши, тасодифан нобуд бўлиши, учинчи шахсларга зиён (зарар) етказилиши бўйича барча хавфларни, бунга нима, шу жумладан енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари сабаб бўлишидан қатъи назар, ўз зиммасига олади. Юқорида кўрсатиб ўтилган хавфлардан бири юзага келган тақдирда, Лизинг олувчи ўз ҳисобидан ва Лизинг берувчининг ихтиёрига кўра лизинг объектини таъмирлаши ёки уни Лизинг берувчи учун маъқул бўлган аввалига ўхшаш бошқа исталган лизинг объектига алмаштириб бериши ёки Лизинг берувчига лизинг объекти ёки унинг Лизинг берувчи томонидан Етказиб берувчига тўлаб берилган қисмининг қийматини пул кўринишида қоплаб бериши керак.

Ушбу банд бўйича мажбуриятларни бажариш учун Лизинг олувчи, Лизинг берувчи томонидан Лизинг олувчига бундай ҳуқуқ тақдим этиладиган бўлса, лизинг объектини суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан фойдаланишга ҳақлидир. Лизинг берувчи бундай ҳуқуқни тақдим этмаган тақдирда, лизинг объектини суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган пул маблағлари ушбу пул маблағлари амалда келиб тушган кунда Лизинг берувчи томонидан Лизинг олувчининг навбатдаги лизинг тўловлари сифатида ҳисобга олинади.

8.2. Шикастланган лизинг объектини таъмирлаш ёки алмаштириш фақат ишлаб чиқарувчининг йўриқномаларига биноан амалга оширилиши лозим.

8.3. Лизинг объектини таъмирлаш ёки алмаштириш сабабли, шунингдек, исталган бошқа сабабдан (шу жумладан электроэнергия бўлмаганлиги учун) лизинг объекти туриб қолган вақтида лизинг тўловлари белгиланган жадвалга асосан тўлиқ миқдорда тўланади.

8.4. Томонлар лизинг объектини Лизинг берувчининг ёки Лизинг олувчининг ҳисобидан «_____» суғурта компаниясида (Суғурта қилувчи) Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш Далолатномаси имзоланган кунда Лизинг берувчининг (Фойда олувчининг) фойдасига сугурта қилиш ҳақида келишиб олишди. Суғурта қалтисликларининг рўйхати Лизинг берувчи томонидан белгиланади. Лизинг берувчи суғурта компаниясининг суғурта шартномасида кўрсатилган қалтисликларнинг суғурта қопламаси бўйича мажбуриятлари узлуксиз амалда бўлиши мақсадида суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотлари ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлайди.

8.5. Лизинг объектини суғурта қилиш шартномасининг шартлари бажарилишини таъминлаш мақсадида Лизинг олувчи қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- Суғурта шартномаси доирасида суғурта компаниясига суғурта қопламасини тўлаш тўғрисида талабнома қўйиш учун асос бўладиган ҳодиса юз берганда у ҳақида дарҳол суғурта компаниясига ва/ёки Лизинг берувчига хабар бериш. Суғурта компанияси ва/ёки Лизинг берувчи юз берган суғурта ҳодисаси ҳақида 24 (йигирма тўрт) соат давомида хабардор қилинмаган тақдирда суғурта қопламасини тўлаш рад этилиши мумкин;

- суғурта ҳодисаси юз бериши хавфида суғурта қилинган лизинг объектини ёки унинг бир қисмини қутқариш бўйича юзага келган ҳолатда оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриш. Бундай чораларни кўриш вақтида Лизинг олувчи суғурта компанияси томонидан унга кўрсатмалар берилган бўлса, бундай кўрсатмаларга амал қилиши шарт;

- суғурта қилиниб, шикастланган лизинг объектини кўздан кечириш жойи, санаси ва вақтини суғурта компанияси ва Лизинг берувчи билан келишиб олиш;

- суғурта компанияси ва Лизинг берувчи билан келишилмаган ҳолда лизинг объектини ёки унинг бир кисмини демонтаж қилиш бўйича ҳеч қандай ишларни бошламаслик, бу суғурта қилинган объектдан фойдаланувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатланган органларнинг буйруқлари ва фармойишларини бажариш зарурати туфайли амалга оширилиши шарт бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

- суғурта ҳодисаси юзага келгандан сўнг суғурта компанияси ва Лизинг берувчи билан келишилмаган ҳолда лизинг объектини таъмирлаш бўйича ҳеч қандай ишларни бошламаслик;

- суғурта ҳодисаси юзага келгандан сўнг суғурта қилинган лизинг объектини назоратсиз ва унинг янада шикастланиши ёки нобуд бўлишини олдини олиш учун кўриладиган тегишли чораларсиз қолдирмаслик;

- суғурта компаниясига содир бўлган ҳодисанинг барча ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим этиш.

8.6. Лизинг олувчи юқорида кўрсатилган суғурта бўйича мажбуриятлар билан бир қаторда Лизинг олувчига нисбатан белгиланган ва суғурта шартномасида кўрсатилган барча бошқа мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариши шарт.

9. Лизинг объектини қайтариш

9.1. Лизинг олувчи ўз ташаббуси билан ва Лизинг берувчининг дастлабки аниқ ёзма розилигисиз лизинг объектини Лизинг берувчига қайтариб беришга ҳақли эмас.

9.2. Лизинг олувчи Лизинг берувчи томонидан лизинг объекти учун Етказиб берувчига тўлов амалга оширилишига қадар лизинг объектидан бепул асосда воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда, Лизинг олувчининг воз кечиши ёзма шаклда бўлиши ва Лизинг берувчи томонидан лизинг объекти учун Етказиб берувчига тўловни амалга ошириш бошланишига қадар олинган

бўлиши керак. Қолган ҳолатларда, Лизинг олувчи лизинг объектини қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3. Лизинг берувчи томонидан лизинг объекти учун Етказиб берувчига тўлов амалга оширилгандан сўнг лизинг объектини қабул қилиш рад этилган тақдирда, Лизинг олувчи Лизинг берувчига лизинг объекти қийматини ва ушбу шартноманинг 3.9-б.да кўрсатилган бошқа тўловлар ва ҳаражатларни ўзининг барча банк ҳисобварақларидан ва мол-мулкидан акцептсиз тартибда қоплаш ҳуқуқини беради.

10. Лизинг тўловлари ва бошқа тўловлар

10.1. Лизинг тўловлари Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартноманинг 2-сонли Иловасида кўрсатилган жадвалга мувофиқ тўланади.

10.2. Етказиб бериш шартномаси бўйича тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб лизинг объектини Лизинг олувчига Топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган санасига қадар Лизинг олувчи томонидан етказиб бериш шартномаси бўйича амалда тўланган суммага ҳисобланадиган ҳар бир кун учун _____% ҳисобидан, якуний тўлов санаси қўшилган ва Лизинг объектини лизингга топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган санаси қўшилмаган ҳолда, ҳақ (қалтислик учун воситачилик ҳақи) тўланади. Воситачилик ҳақи ЎзР МБ тўлов кунидаги курси бўйича ҳар ойнинг 20 кунида ундирилади.

10.3. Лизинг тўловининг амалга ошириш санаси сифатида Лизинг олувчининг пул маблағлари Лизинг берувчининг ҳисоб рақамига келиб туган санаси эътироф этилади.

10.4. Лизинг олувчи ушбу Шартноманинг 2-сонли Иловасида кўрсатилган лизинг тўловларининг барчасини ёки бир қисмини исталган вақтда ҳеч қандай жарима тўламасдан мустақил равишда муддатидан илгари амалга оширишга ҳақлидир. Бунда Лизинг олувчи барча лизинг тўловларини лизинг муддатининг дастлабки 12 (ўн икки) ойида муддатидан илгари тўлиқ тўлаб бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.5. Лизинг олувчи лизинг муддатининг 12 (ўн икки) ойи ўтганидан кейин лизинг тўловларнинг барчасини ёки бир қисмини муддатидан илгари тўлаш ниятида бўлса, Лизинг олувчи бу ҳақида Лизинг берувчини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

10.6. Лизинг олувчи ушбу Шартнома бўйича Лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган барча суммаларни кредит бериш валютасида ва/ёки Лизинг берувчининг танловига кўра, амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎзР МБ тўлов кунидаги курси бўйича ва/ёки Лизинг берувчи тўлов валютасидан фойдалана олган энг яқин санада валюта бозорида ушбу санада устун бўлган валюталарни сотиб олиш курси бўйича тўлов валютасига айирбошлаш орқали биржа курси бўйича миллий валютада тўлаб бориши шарт. Бундай айирбошлаш бўйича барча сарф-ҳаражатларни, шу жумладан Лизинг берувчининг айирбошлаш санасидан бошлаб Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига тўлиқ сумма қопланиши санасига қадар валюталар курси ўзгариши оқибатида юзага келган йўқотишларини қоплаш мажбурияти Лизинг олувчининг зиммасида бўлади. Бундай ҳолатда Лизинг берувчи амалга оширилган сарф-ҳаражатлар суммасини Лизинг олувчидан сўзсиз тартибда ундириш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган суммаларни миллий валютада тўлаш Лизинг берувчининг ёзма рухсатномаси асосидагина амалга оширилади.

10.7. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларининг барчасини ваёки бир кисмини муддатидан илгари тўлаш ушбу Шартномага Қўшимча келишув тузиш ҳамда лизинг тўловларини амалга ошириш янги жадвалини тасдиқлаш ва уларни Лизинг берувчи билан Лизинг олувчи имзолаши орқали расмийлаштирилади.

10.8. Лизинг олувчи лизинг тўловларини Лизинг олувчи томонидан лизинг объектидан амалда фойдаланишдан қатъи назар амалга оширади.

10.9. Ушбу орқали томонлар Лизинг олувчидан Лизинг берувчига келиб тушадиган барча пул маблағлари қуйидаги тартибда кирим қилиниши ҳақида келишиб оладилар, яъни:

- биринчи навбатда, асосий қарз қисмида лизинг тўловларини қоплашга;
- иккинчи навбатда, лизинг маржаси қисмида лизинг тўловларини қоплашга;
- учинчи навбатда, лизинг тўловлари кечиктирилгани учун Лизинг берувчи томонидан ушбу Шартномага мувофиқ ҳисобланган пеня суммасини қоплашга.

10.10. Ушбу Шартнома бўйича Лизинг олувчидан Лизинг берувчига лизинг тўловларини амалга ошириш сифатида келиб тушадиган барча пул маблағлари, Лизинг олувчи томонидан ушбу пул маблағларини ўтказиш учун тўлов топшириқномасида қандай лизинг тўлови кўрсатилишидан қатъи назар, Лизинг берувчи томонидан, биринчи навбатда, Лизинг берувчининг ҳисобига ушбу пул маблағлари келиб тушган санасигача Лизинг олувчи томонидан тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларини қоплашга кирим қилинади.

10.11. Лизинг берувчи билан Лизинг олувчи ўртасида тузилган ва ушбу Шартноманинг 3.10-бандига мувофиқ Лизинг объектини топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган санасида амалда бўлган Бўнак тўғрисидаги шартнома тузилган бўлса, Лизинг берувчи бўнак суммасини ушбу Шартномада белгиланган лизинг тўловларини амалга оширишнинг календар навбатига мувофиқ Лизинг олувчи томонидан ўтказилган лизинг ва ушбу Шартнома бўйича Лизинг олувчи тўлаши лозим бўлган бошқа тўловлар ҳисобига кирим қилади. Кирим қилиш юқорида кўрсатилган топшири-қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган санага амалга оширилади.

11. Пул маблағларини Лизинг олувчининг ҳисобварақлари ҳисобидан чиқариш

11.1. Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига ушбу Шартномага асосан Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган лизинг тўловлари ёки бошқа пул маблағларининг (пеня, жарима ва ш.к.) тўлови ушбу Шартномада назарда тутилгандан 5 (беш) календар куни ва ундан кўп муддатга кечиктирилган тақдирда, Лизинг берувчи Лизинг олувчига тегишли бўлган ҳисобварақларига хизмат кўрсатадиган барча банклардаги Лизинг олувчининг барча ҳисобварақларидан Лизинг берувчи томонидан тегишли тўлов талабномаси қўйилишидан сўнг пул маблағларини акцептсиз чиқим қилиши мумкин.

11.2. Ушбу шартнома орқали Лизинг олувчи Лизинг берувчига бундай пул маблағларини унинг ҳисобидан чиқаришга чақириб олинмайдиган акцепт (акцептсиз) тақдим этади.

12. Эгалик ҳуқуқларини ўтказиш

12.1. Ушбу шартнома билан лизинг объекти Лизинг берувчи томонидан ўз ҳисобидан сотиб олиниши ва лизинг объектига эгалик ҳуқуқи унга ўтиши назарда тутилади. Лизинг объектининг мулкдорига айланган Лизинг берувчи уни Лизинг олувчига лизингга топширади. Лизинг муддати якунланганидан сўнг, Лизинг олувчи томонидан унинг барча мажбуриятлари ҳалол ва тўлиқ бажарилишида ва барча лизинг тўловлари тўлиқ тўланиши шартида лизинг объекти Лизинг олувчининг эгалигига ўтказилади.

12.2. Лизинг объектига эгалик ҳуқуқи, Лизинг олувчи томонидан барча лизинг тўловлари тўлиқ амалга оширилган ва Лизинг олувчининг ушбу Шартномада кўрсатилган барча бошқа мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлиги шартида, Лизинг берувчидан Лизинг олувчига лизинг муддати якунланган кунидан кейинги кунда ўтади.

12.3. Эгалик ҳуқуқининг ўтиши Дизинг берувчи билан Лизинг олувчи ўртасида эгалик ҳуқуқи ўтган кунида имзоланадиган тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

12.4. Лизинг муддати якунланишига қадар Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятлар, шу жумладан лизинг тўловларини ўтказиш бўйича мажбуриятлар

тўлиқ ҳажмда бажарилмаган тақдирда, объектга эгалик ҳуқуқи Лизинг берувчидан Лизинг олувчига ўтказилмайди ва Лизинг берувчи лизинг объектини ўзининг мулки сифатида ўзига қайтариш (Лизинг олувчидан олиб қўйиш) ва/ёки уни учинчи шахсларга сотиш, ва/ёки ижарага бериш ва ш.к. амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

13. Ҳуқуқлар Лизинг олувчи томонидан қайта ўтказилиши

13.1. Ушбу Шартнома аниқ Лизинг олувчига бевосита тааллуқли бўлганлиги сабабли, Лизинг олувчи ушбу Шартнома бўйича ўзига тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ёки ундан юзага келадиган манфаатларни Лизинг олувчининг ёзма шаклдаги аниқ розилигисиз учинчи шахсларга қайта ўтказишга ҳақли эмас.

14. Лизинг берувчи томонидан ўз ҳуқуқларини ўтказиш

14.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида Лизинг берувчи Лизинг олувчини хабардор қилган ва Лизинг берувчининг ҳуқуқларини бошқа шахс фойдасига ўтказиш тўғрисида алоҳида шартнома тузган ҳолда ҳолда, ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман учинчи шахсларга ўтказиши мумкин.

15. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари амалга оширилишини таъминлаш

15.1. Томонлар Лизинг олувчининг ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлари бўйича, Лизинг объектини топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш санасига Лизинг олувчи қуйида келтирилган қўшимча таъминотни:

_____, _____ сўм миқдоридаги келишилган гаров қиймати бўйича тақдим этишига рози бўлишди.

15.2. Лизинг олувчи/гаровга қўювчи ташаббуси билан гаров таъминоти алмаштирилган тақдирда, Лизинг олувчи Лизинг берувчи олдидаги мажбуриятлари қолдиғининг 1% миқдорида воситачилик ҳақини тўлаш мажбуритяини олади.

16. Лизинг объектини талаб қилиб олиш, муҳрлаш ва ш.к.

16.1. Лизинг олувчининг Лизинг берувчи олдида лизинг тўловларини амалга ошириш бўйича кечиктирилган қарздорлиги ушбу Лизинг шартномаси шартларига мувофиқ, шу жумладан ушбу Шартноманинг 2-сонли Иловасида кўрсатиладиган лизинг тўловлари жадвалига асосан тўланиши лозим бўлган учта кетма-кет лизинг тўловлари жамламасини ёки ундан кўп миқдорни ташкил этса, Лизинг берувчи лизинг объектини Лизинг олувчидан талаб қилиб олиш ва уни Лизинг берувчи томонидан танланган жойга жойлаштириш ҳуқуқига эга.

16.2. Лизинг объектини олиб қўйиш учун лизинг объектини демонтаж қилиш ва транспортда ташиш талаб қилинса, бу ишларни бажариш ва маблағ билан таъминлаш томонларнинг келишувига кўра амалга оширилади. Томонлар бу масалада Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш тўғрисида ёзма талабнома олинган санадан бошлаб 5 (беш) календар куни давомида ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда, лизинг объектини демонтаж қилиш ва транспортда ташиш ишлари Лизинг берувчи томонидан бажарилади. Бунда, Лизинг берувчи томонидан амалга оширилган барча сарф-ҳаражатлар Лизинг олувчи Лизинг берувчининг бу ҳаражатларни қоплаш тўғрисидаги ёзма талабномаси олган санасидан 5 (беш) банк куни давомида Лизинг олувчи томонидан қопланади.

16.3. Лизинг берувчи лизинг объектини унинг Лизинг олувчига тегишли бўлган жойлашган ерида Лизинг олувчи томонидан Лизинг берувчидан лизинг объектини талаб қилиб

олиш тўғрисида ёзма талабнома олинган санасидан бошлаб уни амалда олиб қўйиш вақтигача муҳрлаб қўйиш ҳуқуқига эга.

16.4. Лизинг олувчи лизинг объекти Лизинг берувчи томонидан амалда олиб қўйилган вақтигача бут сақланиши учун тўлиқ жавобгар бўлади. Бунда Лизинг олувчи Лизинг олувчига ва/ёки унинг вакилларига улар томонидан лизинг объектини олиб қўйиш билан боғлиқ ишлар ва тадбирлар бажарилишида тўсқинлик қилмаслик, шу жумладан барча зарурий ишлаб чиқариш ва офис хоналарига кириш, шу жумладан зарурий махсус техникадан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

16.5. Лизинг объекти олиб қўйилган ёки муҳрланган вақтдан бошлаб Лизинг берувчи уни учинчи шахсларга сотиш ва/ёки ижарага бериш ҳуқуқига эга.

16.6. Ушбу бўлимда баён қилинган лизинг объектини талаб қилиб олиш ва олиб қўйиш тартиби Лизинг берувчи ушбу шартнома шартлари бўйича шунга ҳақли бўлган барча ҳолатларда қўлланади.

17. Ахборот тақдим этиш, назорат қилиш

17.1. Лизинг берувчи бутун лизинг муддати давомида исталган вақтда Лизинг олувчидан унинг молиявий, мулкий, хўжалик ҳолатига, лизинг тўловларини амалга ошириш истиқболларига, лизинг объектининг ҳолатига дахлдор бўлган ҳамда учинчи шахслар билан ушбу Шартнома предметига оид ўзаро муносабатларга тегишли ахборотлар ёзма шаклда тақдим этилишини ва/ёки ҳужжатлар нусхаларини талаб қилишга ҳақли. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг талабига кўра Лизинг берувчидан ёзма сўровнома олинган санадан бошлаб 5 календар куни ичида Лизинг берувчига сўровномада кўрсатилган ахборот ва ҳужжатларни Лизинг берувчига тақдим этиши шарт.

17.2. Лизинг олувчи, барча ҳаражатлар ҳамда лизингни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган техник ва бошқа муҳим тафсилотларни аниқлаш имкониятини таъминлайдиган ҳисоб (электрон ҳисоб, китоблар ва ҳужжатларни) юритиши шарт.

17.3. Лизинг берувчи исталган вақтда ва ўзи белгилайдиган шаклда Лизинг олувчида лизинг объекти фойдаланилишини текширувдан ўтказишга ҳақлидир. Текширув доирасида Лизинг берувчи китоблар ва лизингни амалга ошириш учун муҳим бўлган барча бошқа ҳужжатлар билан танишиш ҳамда лойиҳа (лизинг) ва уни янада ривожлантириш тўғрисида маълумотлар тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли.

17.4. Лизинг олувчи Лизинг берувчининг ходимларини мақсадли текширувларни ўтказиш ва лизинг объектининг ҳолатини баҳолаш учун хизмат, ишлаб чиқариш, омборхона ва бошқа биноларига киритиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

17.5. Лизинг олувчи ушбу Шартноманинг мақсадига эришишга, айниқса лойиҳани (лизинг) амалга ошириш ёки ундан фойдаланишга аҳамиятли таъсир этадиган ёки унга эришмаслик хавфини юзага келтирадиган барча ҳолатлар ҳақида ўз ташаббуси билан Лизинг берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

17.6. Лизинг олувчи ушбу Шартнома амалда бўлган даврда дастлаб Лизинг берувчи билан келишилмаган ҳолда, Лизинг олувчининг молиявий ва мулкий ҳолатига даҳл қиладиган, лизинг мақсадига эришиш жараёнига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳуқуқий ёки иқтисодий ҳусусиятдаги ҳеч қандай ўзгартиришларни амалга оширмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

17.7. Лизинг берувчи Лизинг олувчининг молиявий ҳолатини, лизинг объектининг жойлашган ери ва ҳолатини текшириш ва Лизинг олувчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар ушбу шартноманинг амалда бўлиш бутун даври давомида бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

17.8. Лизинг берувчи Лизинг олувчининг ҳужжатларини ёки лизинг объектини текширувдан ўтказиш нияти ҳақида Лизинг олувчини режалаштирилаётган текширув вақтидан камида 24 соат олдин хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

18. Лизинг берувчининг бошқа ҳуқуқлари

18.1. Қуйида кўрсатиб ўтилган вазиятлар юзага келганда, яъни:

а) Лизинг олувчининг фаолияти тўхтатилиши ёки тўхтатиш хавфи юзага келишида;

б) Лизинг олувчининг банкротлиги ёки банкротлик хавфи юзага келишида;

в) Лизинг олувчи тугатилиши ёки тугатиш хавфи юзага келишида;

г) Лизинг олувчига нисбатан суд даъвоси қўзғатилиши ёки Лизинг олувчининг мол-мулкига қарз қопланишини таъминлаш мақсадида банд солиниши (бу лизинг объектига тааллуқли бўлиши/бўлмаслигидан қатъи назар), ёхуд Лизинг олувчини тугатиш тўғрисида суд фармойиши мавжуд бўлишида,

Лизинг берувчи Лизинг олувчига дастлабки хабарномани юбормасдан қуйида кўрсатиб ўтилган чоралардан исталганини ёки барчасини амалга ошириши мумкин, яъни:

- Лизинг олувчидан ушбу Шартномада назарда тутилган лизинг тўловларининг бир қисмини ёки тўлиқ суммасини дарҳол тўлашни талаб қилиш. Бундай ҳолатда Лизинг берувчи Лизинг олувчига тегишли бўлган ҳисобварақларига хизмат кўрсатадиган барча банклардаги Лизинг олувчининг барча ҳисобварақларидан Лизинг берувчи томонидан тегишли тўлов талабномаси қўйилишидан сўнг пул маблағларини акцептсиз чиқим қилиши мумкин;

- шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ва зарарларни ундирган ҳолда лизинг объектини қайтариб олиш (олиб қўйиш).

19. Лизинг объекти Лизинг берувчи томонидан сотиб олиниши

19.1. Лизинг берувчи Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича барча дастлабки шартлар тўлиқ бажарилган санасидан 30 (ўттиз) календар куни давомида, лизинг объектини етказиб бериш бўйича Лизинг берувчи билан Лизинг олувчи ўртасида келишилган, шу жумладан ушбу Шартномада акс эттирилган асосий шартларни ҳисобга олган ҳолда, Етказиб берувчи (Сотувчи) билан етказиб бериш шартномасини тузиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Лекин, бу муддат Лизинг берувчи, Лизинг олувчи ва Етказиб берувчи ўртасида етказиб бериш шартномаси матнини келишиш муддатларига қараб узайтирилиши мумкин.

19.2. Лизинг берувчи Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича барча дастлабки шартлар бажарилишигача Етказиб берувчи билан етказиб бериш шартномасини тузиш ҳуқуқига эга.

19.3. Лизинг берувчи тўловларни Лизинг берувчи билан Етказиб берувчи ўртасидаги етказиб бериш шартномасида кўрсатилган тартибда ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиш ҳамда етказиб бериш шартномасидан келиб чиқадиган барча бошқа мажбуриятларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

19.4. Лизинг берувчи Лизинг олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича барча дастлабки шартлар (биринчи лизинг тўлови, қўшимча таъминотни расмийлаштириш ва х.к.) тўлиқ бажарилгандан кейингина Етказиб берувчига тўловларни ўтказа бошлайди ва/ёки Етказиб берувчи билан ҳисоб-китоблар мақсадида айирбошлаш учун ва/ёки аккредитив шакли учун маблағларни захиралаш ва ҳ.к. амалга оширади.

20. Томонларнинг жавобгарлиги

20.1. Лизинг берувчи ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун, бундай ҳолат Лизинг олувчи ёки Етказиб берувчининг ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги сабабли юз берган бўлса ҳар қандай жавобгарликдан озод бўлади.

21. Шартноманинг амал қилиш муддати

21.1. Ушбу шартнома Лизинг берувчи билан Лизинг олувчи томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

21.2. Шартнома томонлар ушбу Шартноманинг шартларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларини тегишлича бажариши вақтига қадар ҳақиқийдир.

21.3. Лизинг берувчи ушбу Шартномада кўрсатилган ҳолатларда ушбу Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақлидир.

21.4. Томонлардан ҳеч бири ушбу Шартнома кучга кирган санасидан 90 (тўқсон) календар куни давомида ушбу шартнома доирасида ҳеч қандай молиявий ҳаракатларни амалга оширмаган бўлса, у ўз-ўзидан юридик кучини йўқотади.

22. Форс-мажор

22.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, бундай бажармаслик форс-мажор ҳолатлари, яъни – ёнғин, сув тошқини, уруш, иш ташлаш, ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, ҳокимият томонидан аралашув, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ва ш.к., шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича форс-мажор сифатида эътироф қилинадиган бошқа ҳолатлар оқибатида юз берган ва бу ҳолатлар мазкур шартнома бажарилишига бевосита таъсир этган бўлса, жавобгарликдан озод қилинадилар. Шунингдек, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини айирбошлаш тўлиқ ёки вақтинчалик тўхтатилганини, белгиланган муддатларга нисбатан кечиктирилганини, ушланиб қолинганини форс-мажор ҳолати сифатида эътироф қилишади. Бундай ҳолатда Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш бўйича белгиланган муддатлар форс-мажор ҳолатлари амалда бўлган даврга узайтирилади.

22.2. Шу билан бирга, ушбу Лизинг Шартномаси имзоланганидан кейин кучга кирган ва унинг бажарилишига тўсқинлик қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам форс-мажор ҳолатлари ҳисобланади.

22.3. Форс-мажор ҳолатлари сабабли Шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имконсиз бўлиб қолган томон бошқа томонни улар бошланган ва тугаган вақтидан бошлаб 10 (ўн) календар кунидан кечиктирмаган ҳолда юқорида кўрсатилган ҳолатлар бошланиши ва тугаши ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

23. Якуний қоидалар

23.1. Лизинг олувчининг Лизинг берувчи олдидаги ушбу лизинг шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлари тўлиқ бажарилган тақдирда, Лизинг берувчи ушбу лизинг шартномаси шартларига мувофиқ лизинг объектини тузилган гаров шартномаси бўйича мажбуриятлардан озод қилиш ва лизинг объектига нисбатан эгалик ҳуқуқини Лизинг берувчига бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

23.2. Томонлар ушбу Шартномадан ёки унга боғлиқ келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишга интилишади. Томонлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда улар ўртасидаги низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал этилади.

23.3. Шартнома томонларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилган ёзма келишувига кўра тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

23.4. Ушбу Шартномага барча иловалар ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

23.5. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва томонларнинг ҳар бири учун биттадан берилди.

Томонларнинг юридик манзили, банк реквизитлари, имзоси ва муҳри:

«Лизинг берувчи»:	**«Лизинг олувчи»:**
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	**Ф.И.О.** _____
лавозими	
Ф.И.О. _____	
Бош бухгалтер	
Ф.И.О. _____	

АТБ «InFinBANK» ва _____ ўртасида тузилган
20___йил «___»_____даги _____-сонли Лизинг шартномасига
1-сонли ИЛОВА

<u>Лизинг объекти</u>:

№	***Таърифи***	***Лизинг объекти қиймати***	***Миқдори***
1			
2			

(лизинг объекти ва унинг спецификацияси Лизинг олувчи томонидан мустақил белгиланди)

Лизинг объектининг техник хусусиятларининг тафсилотлари Лизинг объектини топшириш-қабул қилиш далолатномасида кўрсатилади.

Томонларнинг юридик манзили, банк реквизитлари, имзоси ва муҳри:

«Лизинг берувчи»:	**«Лизинг олувчи»:**
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

_____ _____

_____ **Ф.И.О.** _____

лавозими

Ф.И.О. _____

Бош бухгалтер

Ф.И.О. _____

АТБ «InFinBANK» ва _____ ўртасида тузилган
20___йил «___»_____даги _____-сонли Лизинг шартномасига
2-сонли ИЛОВА

Лизинг тўловларини амалга ошириш жадвали*:

Тўлаш санаси	Асосий қарз суммасининг тўлови (Сўм/АҚШ доллари /ЕВРО)	Лизинг маржаси суммаси (Сўм/АҚШ доллари /ЕВРО)	Жами лизинг тўловлари (Сўм/АҚШ доллари /ЕВРО)

*Қатъий белгиланган тўлов жадвали лизинг объектини фойдаланишга топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин, ЎзР МБ лизинг объекти эркин муомалага чиқариш тартибига (режимига) БЮД (ИМ-40) расмийлаштирилиши санасига белгиланган курси бўйича расмийлаштирилади. Бир нечта фойдаланишга топшириш-қабул қилиш далолатномалари тузилган ҳолда, тўлов жадвали ҳар бир далолатномага алоҳида тузилади.

Томонларнинг юридик манзили, банк реквизитлари, имзоси ва муҳри:

«Лизинг берувчи»:

_____
_____
_____
_____
_____
_____

_____
лавозими

Ф.И.О. _____

Бош бухгалтер

Ф.И.О. _____

«Лизинг олувчи»:

_____
_____
_____
_____
_____
_____

Ф.И.О. _____